



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 28 март, № 63 (8686)

Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 март куни АҚШнинг сенатор Стивен Дэйнс ҳамда Вакиллар палатаси кўмитаси раиси, конгрессмен Майк Рожерс бошчилигидаги делегацияларини қабул қилди.



Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда юқори даражага эришилгани, фаол мулоқотлар ва ўзаро ташрифлар давом этаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлараро алоқаларни, шу жумладан, АҚШ Конгрессида фаолият юритаётган Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича куш ишини юқори баҳолади.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи ошиб бормоқда, 2023 йил якунида у 30 фоизга ошди. Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият юритаётган АҚШ компаниялари сони ортмоқда.

Мисол тариқасида мамлакатимизда қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган "Air Products" компаниясининг фаолияти қайд этилди.

Америкалик қонун чиқарувчилар вакиллик қилаётган Монтана, Алабама, Вашингтон, Калифорния ва Техас штатлари билан фаол амалий ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, тоғ-кон саноати, "яшил" энергетика, фармацевтика, озиқ-овқат тармоғи ва бошқа соҳалар кооперация учун истиқболли йўналишлар сифатида қайд этилди.

АҚШ ҳудудлари бизнесининг Ўзбекистонга сафарларини ташкил этишга келишиб олинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Эътироф

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ ЮБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯСИ ЮРТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Бугун дунёнинг турли минтақаларида кечаётган беқарорлик, мураккаб геосийсий жараёнлар, кескинлик ва жаҳон миқёсида кучайиб бораётган иқтисодий танглик шароитида фаол ташқи сиёсат орқали халқаро майдонда миллий манфаатларни самарали илгари суриш мўҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг тамомила янгича мазмун касб этаётган фаол ва прагматик ташқи сиёсати боис мамлакатимиз жаҳон сиёсат марказларидан бирига ва глобал ташаббуслар муаллифига айланиб бораётгани эътиборга молик.

Бу жараёнда мамлакат парламенти ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, йирик халқаро парламент тузилмаларининг тўлақонли аъзоси сифатида нуфузли анжуманларга мезбонлик қилиб, мўҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари суриб келаётган.

Парламентлараро Иттифоқ (ПИ) билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган халқаро парламент форуми ҳамда Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари 14-саммитининг муваффақиятли ўтказилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев Парламентлараро Иттифоқ 150-юбилей ассамблеясини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббусини билдирган эди. Қуни кеча Швейцариянинг Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ бosh котиби Мартин Чунгон ва Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўртасида ПИнинг 150-юбилей ассамблеясини 2025 йилда Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳондаги 180 та парламентни бирлаштирган ушбу нуфузли тузилма ўзининг юқори органи — ассамблеяни парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси мавжуд бўлган мамлакатлардагина ўтказилди.

Ассамблеянинг илк бор Марказий Осиё минтақасида, Ўзбекистонда ўтказилиши Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар ва парламентаризмни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан ўзига хос эътирофи, дейиш мумкин.

Минтақамизда бу йўналишдаги кенг қўламли тадбир илк бор юртимизда ўтказилаётгани миллий парламентимизнинг БРМни амалга оширишдаги фаолиги, норматив-ҳуқуқий базани халқаро стандарт асосида такомиллаштириш, парламент даражасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглиги масалаларини илгари суриш, Ёшлар парламенти доирасида ёшларни қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган қўламли саъй-ҳаракатлар билан изоҳланади.

Айтиш жоизки, юртимизда ўтказилаётган Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси долзарб масалалар юзасидан парламентлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиши, Ўзбекистон қонун чиқарувчи органи фаолияти билан халқаро ҳамжамиятни кенг таништириш, 2030 йилгача бўлган стратегияни амалга оширишда парламентлар иштирокини кенгайтириш, БРМга эришиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ёшлар имкониятларини кенгайтириш, иқлим ўзгаришига қарши курашда парламентлараро ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Академия фаолияти сарҳисоби

Ўзбекистон Бадий академиясининг ўтган йилдаги фаолиятига бағишланган матбуот анжуман ўтказилди.

Унда мамлакатимизда илк мартаба Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси билан ҳамкорликда "Art Gallery" аукцион уйи фаолиятини йўлга қўйгани айтилди. Бадий академия тасаруфидаги кўرғазма залларида Франция, Чехия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Озарбайжон тасвирий санъат вакиллари кўрғазмалари ташкил қилинган.

Умуммиллий ҳаракат

Самарқанд вилоятида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий баҳор мавсумида 10 миллион 208 минг туپ кўчат экиш режалаштирилган.

Айни пайтга қадар эса 1,5 миллион туپга яқин дарахт ва бутта кўчатлари экилиб, электрон платформага киритилди. Жорий йил якунига қадар вилоятнинг шаҳар ва туманларида 28,4 гектар майдонда "Яшил боғ" барпо этилади.

Умуман, ҳудудда йил охиригача 64,15 гектар майдонда "Яшил жамоат парклари" ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Табийий офатдан жабрланган аҳолига бегараз ёрдам

Сурхондарё вилоятининг Қумқўрган туманида сел-сув тошқинидан талафот кўрган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга пойтахтдан гуманитар ёрдам юборилди.

Ушбу ёрдамлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг вилоят бўлими ва "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси иштирокида тарқатилди.

Айни пайтда маҳаллаларда сел-сув тошқини талафотларини бартараф қилиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ (ПИ) бosh котиби Мартин Чунгон билан учрашув ўтказди.

Унда юртимизнинг мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича устувор йўналишларда амалий ва конструктив мулоқотни давом эттириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, ПИ билан биргаликда ўтказилаётган тадбирлар, хусусан, 2025 йил

юртимизда бўлиб ўтаётган 150-юбилей ассамблеяга тайёргарлик кўриш ва унинг доирасидаги тадбирларни ўтказишнинг ташкилий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Мартин Чунгон таъкидлаганидек, бўлажак ассамблеянинг асосий мавзуси Ўзбекистон томонининг устувор йўналишлари ва тақлифларидан келиб чиқиб белгиланади.

— Тошкент саммити нафақат ПИ, балки бутунжаҳон парламенти ҳаракати учун та-

рихий аҳамиятга эга бўлади. Унинг доирасида қабул қилинажак қарорлар ташкилотимизнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш йўналишларини белгилайди, — деди Мартин Чунгон.

Мулоқот чоғида жорий йилнинг май ойида Самарқандда ўтказиладиган Осиё хотин-қизлар форуми дастуридан махсус парламент сегменти ўрин олгани таъкидланиб, унинг муваффақиятли ўтказилишида Парламентлараро Иттифоқ кўмағига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов ва Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов иштирокида икки ҳудуд делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Улуғбек Қосимов ва Рустам Минниханов муборак Рамазон ойи билан барчани самимий табриклади. Меҳмон кўрсатилган ҳурмат-иззат учун Сурхондарё вилояти раҳбарига чуқур миннатдор-

лик билдириб, қадимий ҳудуднинг бой тарихидан катта таассурот олганини алоҳида таъкидлади.

Вилоят ҳокими воҳанинг иқтисодий-ижтимоий, инвестициявий жозибадорлиги хусусида атрофича маълумот бериб, икки томонлама ўзаро манфа-

атли қатор тақлифларни илгари суриди. Нефть маҳсулотларини қайта ишлаш, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги, инновацион технологиялар, чорвачилик, таълим каби соҳаларда ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинди.



«ЯШИЛ» ЭНЕРГИЯГА ЯШИЛ ЧИРОҚ

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 25-26 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ҳудудда барпо этилиши режалаштирилган қайта тикланадиган йирик энергия манбалари, хусусан, Поп туманида иккита қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда Уйчи туманида гидроэлектр станциялари каскади қурилишига старт берди. Бу вилоятнинг электр энергия билан узлуксиз таъминлаш борасидаги навбатдаги амалий қадами, деб баҳоланмоқда.

Ислохот самаралари



Қуёш қуввати — келажак сийрати

Сир эмас, кундалик ҳаётда энг зарур воситага айланган электр энергиясига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, биргина Наманган вилоятида кейинги уч йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич 24 фоизга ортган. Бу, ўз навбатида, қувватлар ишлаб чиқариш ҳажминини мунтазам ошириб бориш масаласи долзарб эканини кўрсатади.

Мамлакатимизда электр энергиясининг 90 фоиз қисми иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилади. Агар Ўзбекистонда йил давомидаги булутсиз кунлар ўртача 250 — 270 кунни, қуёш нурланиши давомидаги эса 2850 — 3050 соатни ташкил этишини инобатга олсак, ундан олинладиган энергоқувват биз учун энг қулай манба эканлиги аён бўлади.

Шу боис 2023 йил 16 февралда «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жаддалаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Айни пайтда ушбу мўҳим ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аёнки, бинолар томига ўрнатиладиган қуёш панеллари арзон ҳамда экологик жиҳатдан соф электр қуввати ишлаб чиқаришда қулай ва самарали восита ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги ишларнинг тизимли ташкил этилиши натижасида вилоятдаги қўлаб истеъмолчилар қисқа вақт ичида ўзининг министанцияларига эга бўлди. Ҳозирги кунга келиб улар сони 4090 тадан ортиб, 31,7 мегаватт миқдорда энергия ҳосил қилинмоқда.

Бундай хайрли ташаббус кенг қамровда амалга оширилса, натижаси ҳам юқори бўлади. Шу маънода, ижтимоий соҳа муассасалари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли хонадонларида янгиликни жорий этишга манфаатдорлик билан ёндашилаётганини кузатиш мумкин. Масалан, шаҳар ва туманлардаги 2067 та хонадон ўз эҳтиёжини айна восита ёрдамида қоплаётган.



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 25-26 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳалар кўздан кечирилди, йирик энергетика объектлари қурилишига старт берилди. Маҳаллалар ҳаёти билан атрофлича танишган давлатимиз раҳбари ҳудуд аҳолиси билан самимий мулоқот қилди. Қайд этиш жоиз, ушбу жараённи юрдошларимиз, айниқса, наманганликлар катта қизиқиши ва ҳаяжон билан кузатди. Бу бежиз эмас. Чунки сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида вилоят шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгармоқда, аҳоли турмуш тарзи яхшиланиб, бугунги ўзгаришларни ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

Бу бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз муносабатини билдирди.

■ Акс садо

Ўзгаришлар одамлар ҳаётида ўз ифодасини топмоқда

Сардор ҒИЁСОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча гўшасида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам беқеъи янгилашилган рўй берди. Амалга оширилаётган ислохотлар куруқ рақамларда эмас, балки аҳолининг кундалик ҳаётида, мамий турмушида ўз ифодасини топмоқда. Масалан, биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини олайлик. Одамларнинг даромадини ошириш, озик-овқат хавфсизлиги ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида фуқароларга фойдаланиш учун пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан бўшган ер майдонлари ажратиб берилмоқда. Бу имкониятдан самарали фойдаланиб, яхши даромад топаётган, бозорларимиз тўқилгани таъминлашга ўз улушини қўшаётган хонадонлар жуда кўп.

Шу билан бирга, ернинг умрини беҳуда ўтказмаётган, уни исроф қилаётган фуқароларимиз ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, Наманган мамлакатимизнинг энг барқарор, сервус ва серхосил ҳудудларидан бири саналади. Вилоятда тадбиркорлик ҳам кенг ривожланган. Партияимизнинг асосий элхотрати ишбилармонлар ва фермерлар бўлганлиги сабабли улар билан тез-тез учрашиб, очик мулоқотлар ўтказиб тураимиз.

Бугун вилоятда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, томорқаларидан самарали фойдаланиши учун барча имкониятлар бор. Бу орқали кўплаб ёшлар ишли бўлапти, оилаларга даромад, барака киряпти.

Лекин аҳоли мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олапти, деб айтолмаймиз. Масалан, Мингбулоқ ва Косонсой туманларида бир гектардан олиннадиган даромад вилоят кўрсаткичидан икки баробар кам. Аҳолига берилган 16 минг гектар ернинг 3,5 минг гектари бўш ётибди. Поп, Чортоқ, Норин ва Янгиқўрғон туманларида эса саноатлаштиш даражаси паст.

Давлатимиз раҳбари ушбу камчиликларни бар-тароф этиш, муаммоларнинг ечимини ҳақида ҳам аниқ вазифаларни белгилаб берди. Унга кўра, Сайхунобод тажрибаси асосида вилоятдаги 35 мингта хонадонга боқимча-боқим гулчилик, иссиқхона, балиқчилик, асаларчилик, чорвачилик, узумчилик, қўлпўнали, картошқа етиштириш бўйича молиявий, техник, маслаҳат ва бошқа кўринишдаги амалий ёрдам берилди.

Умуман, ўтган қисқа даврда таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, кўйинчилик, барча соҳада бир неча ўн йилликларда амалга оширилган ишлар юз берди. Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи одамларнинг қайғитини, шаштини кўтарди, ҳар бир фуқарога беқеъи куч-қувват бағишлади. Белгилаб берилган аниқ вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш эса биз, депутатлардан аққилдан ва фаоллик талаб этади. Бу жараёнда фаол қатнашиб, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Вазифалар — залварли, ижро иштиёқи — баланд

Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Наманган — ишбилармонлар юрти. Тадбиркорлик, хунарманлик бу юрт фуқароларининг қон-қони-га сингиб кетган. Лекин етарли шароит бўлмагани, хомаш ётиб олишдаги қийинчиликлар сабабли кўп заргарлар фаолиятини тўхтатган, бори ҳам буюмларни кўп меҳнатда тайёрларди.

Президентимизнинг 2019 йил 18 майдаги тегишли Фармони соҳа вакилларига кенг имкониятлар очди. Бундай эътибор ва имкониятлар эса заргар тадбиркорларга ишонч берди. “Гавҳар груп” масъулияти чекланган жамияти ҳам шу тарихда вужудга келди. Туркия, Италия, АҚШ ва Германиядан замонавий ускуналар келтирилиб, 2022 йилда ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини дастлаб Янги Наманган туманидаги “Гавҳар груп” корхонасидан бошлагани бежиз эмас. Чунки бугунги кунда ушбу корхона йилга 1 200 килограмм заргарлик буюмларини саноат усулида ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, бу ерда 10 минг хил дизайндаги заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Алоҳида эътироф этиш керак, ҳозирда водийда бундай корхоналар сони йил сайин кўпайиб

бормоқда. Натижада янги иш ўринлари яратилиши баробарида экспорт ҳажми ҳам ошиб, вилоятнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалмоқда.

Хуллас, кейинги олти-етти йилда вилоятда бўлаётган ўзгаришларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар эътиборга молик. Намангандан бўлганим боис ҳар ойнинг охирига ҳафтада халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоят ҳудудларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказамиз. Очиги, ҳар гал бирор ўзгариш ёки янгилашнининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ва муҳими, вилоятнинг қайси туманига йўлингиз тушса, аҳоли юз-қўзида ишчан кайфият ва шуқроналикни туюсиз.

Ишончим комилки, ташриф чоғида белгилаб берилган вазифалар ижроси ҳудуднинг беқеъи имкониятларини юзага чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади. Шундай экан, бу ерда 10 минг хил дизайндаги заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Янги имконият ва мақсадлар рўёби сари

Мухторжон ХОЖИМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экологик партия фракцияси аъзоси:

— Маълумки, аҳоли фаровонлиги, мамлакат иқтисодиёти ривожини унун, энг аввало, энергия ресурслари билан таъминланганлик муҳим саналади. Шу боис давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи давомида янги электр станциялари қурилишига тамал тоши қўйилгани ҳудуд аҳолисининг орзу-мақсадларини рўёбга чиқарди.

Мазкур йирик энергетика лойиҳалари қурилишини бошлаб берган Президентимиз одамларнинг фаровон

ларини куриш доирасида тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Наманган вилояти мисолида айтадиган бўлсак, бугунги кунда ҳудудда жами 913 мегаватт генерация қуввати мавжуд. Таҳлилларга кўра, сўнгги уч йилда электр истеъмоли 24 фоизга ўсган. Шу боис вилоятда қуввати 1 228 мегаватт бўлган учта мажмуа лойиҳалаштирилди. Булар гидроэлектр станциялар каскади ҳамда иккита қуёш электр станциясидан иборат. Қолаверса, Норин дарёсига 6 та ГЭС каскадини куриш режалаштирилгани эътиборга молик.

Бугунги кунда қурилиши бошланган шу каби муҳим лойиҳалар натижасида Наманган вилоятининг генерация қувватлари 2 141 мегаваттга етди. Йиллик 7,8 млрд. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса вилоятнинг электр энергиясига бўлган 5,5 млрд. киловатт-соатлик талабини тўлиқ қоплайди. Эҳтиёждан ортаган 30 фоиз электр Андижон ва Фаргона вилоятларига йўналтирилади. Шу жиҳатдан, мазкур лойиҳаларнинг ишга туширилиши саноати жадал ривожланиб бораётган вилоят аҳолиси ва тадбиркорларига электр

энергияни барқарор етказиб беришга хизмат қилади. Хулоса ўрнида айтганда, давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига бу галги ташрифи аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш ҳамда ҳудудни ҳар томонлама ривожлантиришга оид лойиҳаларни ҳаётга самарали татбиқ этишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Мазкур сайёҳаракатлар, шубҳасиз, халқимиз турмуш даражасини ошириш баробарида, янги имкониятлар, мақсадларга кенг йўл очди ва ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришига хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Анжуман ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ

Заминимиз улкан ер ости бойликлари захирасига эга бўлиб, бу кўп миллилатли халқимиз фаровонлиги ҳамда янги Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, қазилма бойликларимиз хилмаҳиллиги билан ажралиб туради. Хусусан, табиий газ, кўмир, қўроғошин, олтин, қумуш, рух, мис, темир, вольфрам ва бошқа маъданларнинг мўлчилиги халқимизнинг бугунги ва ёрқин келажагига қафолат бериб турибди.

Бугунги кунда юртимизда қончилик ва металлургия саноати йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. 36 мингдан ортиқ қончи-металлургия бирлаштирилган “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда 40 дан ошдиқ миллилат ва элат вакиллари меҳнат қилмоқда. Ана заминимиз бағридаги нодир, рангли ва қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган ушбу комбинат қонларидан қазиб олинаётган маъданлар ичида Менделеев даврий жадалдаги элементларнинг барчаси мавжуд.



2023 йилни акциядорлик жамияти салмоқли натижалар билан якунлади. Жумладан, 31,7 трлн. сўмлик саноат маҳсулотини ишлаб чиқарилди. 1 128,2 млн. долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 661,9 млн. доллар миқдоридagi тайёр маҳсулот экспорт қилинди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 429,0 млрд. сўмлик рангли ва қимматбаҳо металллар қайта ишланди. Таннархни арзонлаштириш бўйича 404,7 млрд. сўмлик натижа қайд этилди ва 14,95 трлн. сўм маблағ бюджетга тўлаб берилди. Энг муҳими, 6,7 трлн. сўм миқдоридa соф фойда кўрилди.

Акциядорлик жамиятида инвестициявий лойиҳалар ҳам муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2023 йилда “Ешлик-1” лойиҳасининг тор-кон мажмуасида 6 та объект, 3-минос бойитиш фабрикаси бўйича 6 та объектнинг қурилиши якунланди. Янги металлургия мажмуасининг қурилиши юзасидан дастлабки лойиҳа ишлари бошланди.

“Рақамли ОКММ — 2030” концепцияси “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖнинг барча ишлаб чиқариш ва бизнес жараёнларини рақамлаштириш, маълумотларни амаллаш, таҳлил этиш ва тезкор қарор қабул қилишга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда 2023 йил мобайнида 34 та лойиҳа амалга оширилди.



Жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва замонавий акборот тизимларини жорий қилиш йўналишида Мис бойитиш фабрикаси, Мис эритиш заводи, Хондиза кон бошқармаси, Иссиқлик электр марказида бир қатор ишлар бажарилди. 2023 йилда бизнес ва технология жараёнларини рақамлаштириш ҳамда уларни мақбуллаштириш эвазига 224 млрд. сўм иқтисод қилинди.

2024 йилда ҳам мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишлар жадаллаштирилади. Жумладан, 32,2 трлн. сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарилиб, 2 136,4 млн. долларлик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилади. 1 016,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотларини ишлаб чиқарилади. 15,73 трлн. сўм маблағ бюджетга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “ОКММ фаолиятининг асосий йўналишлари: 2023 йил якунлари ва 2024 йилдаги устувор вазифалар” мавзусида ОАВ ходимлари учун ўтказилган матбуот анжуманида шу хусусда батафсил фикр юритилди. Унда “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раисининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Равайн Максумов, акциядорлик жамияти бош муҳандисининг технологиялар бўйича ўринбосари Абдуқаҳор Сайназаров журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб берди.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

«ЯШИЛ» ЭНЕРГИЯГА ЯШИЛ ЧИРОҚ



1 Умуман олганда, қуёшнинг беёминат нури ҳисобига 331,5 миллион кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, фойдаланишга йўналтирилган қувват йиғувчи панеллардан фойдаланиш қанчал афзаллигини тасдиқлайди.

Наманган давлат университетини мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари орасида биринчилардан бўлиб муқобил энергия тизимини жорий этилган субъектлардан бири бўлди. Бундан икки йил аввал университетнинг барча ўқув ва талабалар тураржой биноларига дастурга асосан қуёш панеллари ҳамда сув иситиш коллекторлари ўрнатилди. Биринчи йили бу ерда 100 кВт-соат қувватга эга панеллар ишга туширилган бўлса, ўтган йили 355 киловатт-соатлик министанция қўшилди.

— Эндиликда ўз эҳтиёжимизни тўла қоплаб, ортаган энергияни ҳудудий электр тармоқлари корхонасига сотаямиз, — дейди ушбу олий таълим муассасаси молия-иқтисодиёт ишлари бўйича проректори Рустамжон Имомов. — Масалан, ўтган йили ягона энерготизимга 154 900 киловатт-соат миқдоридagi қувват етказиб бериб, салкам 100 миллион сўмлик манфаат кўрдик.

“Қуёшли хонадон” дастури доирасида тураржой биноси томига ўрнатилган панелларда яратилган қувват билан ўз хонадонини тўла таъминлаб, қолган қисмини сотаётган чортоқлик Дилмурод Абдуллаевнинг ҳовлисидagi 20 киловаттлик қуёш панел-

Дарё суви — ёруғлик манбаи

Электр энергияси ишлаб чиқаришда оқар сув кучидан фойдаланиш соҳадаги аънанавий усул ва ҳозирги кунда унинг аҳамияти янада кучайган. Наманганда айна мақсадда фойдаланса бўладиган обиҳаёт манбалари анчагина. Бундан уч йил аввал Катта Фарғона каналининг Учқўрғон туманидан оқиб ўтадиган қисмида дастлабки қирик гидроэлектростанциялар каскади ишга туширилган эди. Уларнинг умумий қуввати 12 мегаваттга тенг бўлиб, ҳозирги вақтда 48 мингта хонадонни узлуксиз электр энергия билан таъминлаб келаётир.

Эндиликда Катта Андижон каналда ҳам қуввати аввалгидан икки ҳисса кучли учта ГЭС қурилмоқда. Лойиҳа қиймати 60 миллион АҚШ доллари бўлган бу иншоотларнинг



умумий қуввати 18 мегаватт бўлиб, қарий яна 65 — 70 минг хонадоннинг электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондиради.

Давлатимиз раҳбари қурилишига старт берган яна бир ГЭСлар каскади Норин дарёсининг Уччи туманидан оқиб ўтган қисмида барпо этилмоқда. Умумий қуввати 228 мегаватт бўлган каскад 6 та ГЭСдан иборат. Ушбу истиқболли лойиҳанинг ишга

туширилиши натижасида йилга ўртача 1 025 млн. киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. Маҳсулотини ўртача 430 минг хонадонга кириб борадиган каскад қурилиши тўрт йилга мўлжалланган.

— Барпо этишга киришилган иншоотнинг аҳамиятли томони шундаки, у республикадаги биринчи миллий ГЭСга айланади, — деб изоҳлайди Уччи тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Фарҳод Мамадалиев. — Сабаби лойиҳа тўлиқ “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг маблағлари ҳисобидан, маҳаллий лойиҳалаштириш ва пулрат ташиқлотларини жалб қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Зарур асбоб-ускуналарнинг барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Дарҳақиқат, юқори инновацион технологик қурилмаларнинг мамлакатимиз гидроэнергетикасида илк бор

Кўшминорда қўш фотозлектр станция

Пойтахт вилояти билан чегарадош Поп тумани ер майдонининг катталлиги билан бошқа туманлардан фарқланади. Унинг ҳудудида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган адирлиқлар ҳам анчагина.

Шундан келиб чиқиб, кенг майдонни талаб қиладиган қуёш фотозлектр станцияларини жойлаштириш учун туманининг Кўшминор маҳалласи ҳудуди танланди. Бу ерда биринчи бўлиб Германиянинг “Hyper Partners GmbH” компанияси томонидан 500 мегаватт қувватли станция қурилади. Мазкур лойиҳанинг қиймати 350 миллион долларга тенг, йилга 1 млрд. 95 млн. киловатт-соат энергия ишлаб чиқаради.

Бирлашган Араб Амирликларининг “Terepen Group Holding Limited” компанияси билан ҳамкорликдаги фотозлектр станцияси ҳам шу ҳудудда барпо этилмоқда. У битта қуёш нурларидан 500 мегаватт қувват ҳосил қилинади. Ушбу станцияларни жорий йил якунига қадар тармоққа улаш кўзда тутилган. Аҳамиятисиз, уларда 120 киши учун доимий иш ўрни яратилади.

— Юқоридagi уч лойиҳа ижроси билан Наманганнинг генерация қувватлари 2141 мегаваттга етди, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Окибжон Иномов. — Бу 7,8 миллиард кВт-соатга тенг ва ҳудуднинг электр энергиясига бўлган 5,5 миллиард киловатт-соатлик талабини тўлиқ қоплайди.

Шундай қилиб, тараққиёт таянчи бўлган электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтиришда қуёш ва сув беёминат кўмакчимизга айланмоқда. Бинобарин, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қолаверса, табиий ресурсларимиз ҳам инсон кадрини, унинг манфаатларига йўналтирилганлиги билан қимматлидир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).



ЖСТга аъзолик Ўзбекистонга нима беради?

Мамлакатимизда товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат бозорларини янада эркинлаштириш сиёсати жадал давом эттирилмоқда. Жумладан, дунёдаги ишлаб чиқариш занжирларига қўшилиш мақсадида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш учун катта қадамлар ташланди. Ушбу йўналишда салмоқли натижаларга эришилди устувор вазифа, деб белгиланган. Бу борада Ўзбекистонда қўриқилган чораларга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бунинг исботи ўлароқ, юртимизга инвесторлар дадил кириб келмоқда. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликка яқин, деган қарашлар кучайган. Бу кўнгилмизни кўтарадиган, ўнлаб йиллик орзулар рўёбга чиқётганига доир муносабатлар.

Нуктаи назар

Ўтган йил ноябрь ойида ЖСТнинг Женевадаги бош қароргоҳида ишчи гуруҳнинг 7-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 8 та мамлакат билан бозорга кириш бўйича ҳамма шартлар келишиб олинди. Хусусан, узоқ давом этган музокаралардан кейин Япония, Саудия Арабистони билан товар ва хизматлар бозорига чиқиш бўйича икки томонлама музокараларни якунлаш тўғрисида баённома имзоланган. Ҳар бир йиғилиш ва музокарани ўтказиш мураккаб жараён. Ташкилотга аъзо бўлган қайси давлат бўлмасин, улар охириги дақиқаларгача музокаралар олиб бориб, ўзларининг шартларини қўйишга ва ўтказишга ҳаракат қилади. Бу фақат Ўзбекистонга нисбатан эмас, балки барча мамлакатларга муносабат шундай бўлади.



эга бўламиз, яъни ўз бозоримизга кириш йўлини очиш орқали биз ҳам аниқ ҳуқуқ билан таъминланамиз. Боз устига, ЖСТга кириш Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига кучли туртки беради. Аввало, унинг сармоёлар асосида қўшимча иш ўринлари яратилади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулот сифатини ошириб, дунё бозоридида кучли рақобатга қўнилади. Ўз навбатида, истеъмолчилар арзон ва сифатли товарлар ҳамда хизматларни танлаш имконияти эга бўлади. Мамлакат ичидаги айрим монопол компанияларнинг ички бозордаги устувор мақомига чек қўйилади ва эркин рақобат мўҳити яратилади.

Умуман, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўриқилган чора-тадбирлар бажарилиши қанча тезлашса, шунча яхши. Иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишига янада кенг йўл очилади, бизнес мўҳити, маъмурий аниқлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам ечимини топади.

Аммо дастлабки даврда ташкилот бозордан товарлар оқими кўпайиши туфайли тарифлар пасайиши Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг заиф тармоқларига салбий таъсир қилиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Бу борада ўтказилган тадқиқотлар, аввало, тарифлар ва ички нархлар пасайиши экспорт ҳажми 0,06 фоиз орттиришига ва ички товарлар тақлифи 0,03 фоиз камайишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шу боис янги шароитга муаммосиз ўтишни таъминлаш ва Ўзбекистонда миллий корхоналарни ташкилот рақобат шариоитига босқичма-босқич тайёрлаш учун янги муҳит яратиш зарурлигига эътибор қаратилган.

Дунёдаги энг йирик ҳисобланган халқаро иқтисодий ташкилот Жаҳон савдо ташкилоти ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 95 фоизи тўғри келади. Ўзбекистон товар айланмасининг 97 фоизи мазкур давлатларнинг биргаликдаги улушини ташкил этади. Бугунгача мамлакатимиз 20 га яқин давлатлар билан музокараларни якунлаган. Унда жами 47 та мамлакат иштирок этаётган бўлиб, аксарияти билан музокаралар фаол кечмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик янада яхшиланади

Ҳозир халқаро савдо тизимига интеграциялашувни кучайтириш мақсадида ушбу ташкилотга яна 23 мамлакат қўшилиши бўйича ташкилий ишлар амалга ошириляпти. Мамлакатимизнинг ЖСТга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириши халқаро савдо тизими ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик янада яхшиланади, товар айирбошлаш миқдори ошади, янги

бозорга чиқиш орқали ташкилот рақобатбардошликни кучайтириш учун қулай шароит ҳосил бўлади. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам бежиз қабул қилинмади. Унда музокара жараёнида эришиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга жорий этиш каби масалаларга доир ишлар белгилаб берилган.

Қарорнинг асосий моҳияти мазкур халқаро тўқилмага аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш ва сифатли амалга оширишни таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаб буйича идоралараро комиссиянинг янги ташкилоти тасдиқланди. Президент Администрациясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон савдо ташкилоти масалалари бўйича махсус вакили лавозими ташкил қилинди. ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш, масъул вазирилик ва идоралар фаолияти натижадорлигини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш махсус вакилининг асосий вазифалари сирасига кирди.

Хужжатга мувофиқ, Адлия вазирлигига маъмурий ислохотлар доирасида миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш вазираси юкланди. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги марказий аппаратида Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ва савдо музокаралари департаменти ташкил этилди. Ўзбекистоннинг БМТнинг Женева шахридаги бўлинимси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхонасида ЖСТ масалалари бўйича биринчи котиб лавозими киритилди. 2023 йил 1 июлдан



содий фаолиятни эркинлаштириш борасидаги фаол ислохотдан сўнг 2018 йил март ойидан Ўзбекистонни ЖСТга қабул қилиш жараёни қайта жонланди.

Хусусан, 2019 йил июль ойида Ташкилотнинг янги ташкилоти тасдиқланди. Президент Администрациясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон савдо ташкилоти масалалари бўйича махсус вакили лавозими ташкил қилинди. ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш, масъул вазирилик ва идоралар фаолияти натижадорлигини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш махсус вакилининг асосий вазифалари сирасига кирди.

Бу ҳолатни амалий рақамлар мисолида таҳлил этасак. Ҳозир 204 мамлакат билан савдо алоқаси йўлга қўйилган. Ташкилот билан ишлаш ва савдо музокаралари департаменти ташкил этилди. Ўзбекистоннинг БМТнинг Женева шахридаги бўлинимси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхонасида ЖСТ масалалари бўйича биринчи котиб лавозими киритилди. 2023 йил 1 июлдан

ди. Қарорлар икки йилда бир марта қабул қилинган вазирилик конференциясида қабул қилинади. Кундан-кунга амалга оширилаётган ишларга Бош кенгаш масъул. Унинг йиғилишлари ташкилотнинг маъмурий қароргоҳи жойлашган Швейцариянинг Женева шаҳрида бир неча ҳужжат, жумладан, товар ва хизмат бозорига кириш бўйича ишлаб чиқилган дастлабки тақлифлар тақдим этилди. Муҳим омилидан яна бири мамлакатимиз ташкилот савдо ҳамкорлигининг аксарияти мазкур ташкилотга аъзо давлатлар эканидир. Ушбу давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатда Ўзбекистон учинчи давлат сифатида иштирок этиши натижасида мамлакатимиздан экспорт қилинадиган товарларга нисбатан юқори бож ставкалари ҳамда нотаъриб тартибга солиш усуллари кенг жорий этилишининг экспорт салоҳиятига салбий таъсири бартараф қилинади.

Асосийси, Ўзбекистон барча масалаларни ўзаро тушуниш ва ҳурмат руҳида муҳокама этиш учун очик, конструктив мулоқот тақлиф қилиб келаётгани музокараларда алоҳида эътироф этиляпти. Аъзо давлатлар мамлакатимизнинг бу ташкилотга аъзо бўлиши учун устувор аҳамият бериш ва бу жараёнини тезлаштириш бўйича мажбуриятини юқори баҳоламоқда.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни биздан қонунчиликни такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Бу борада парламентимиз сезиларли қадамлар ташляпти. Хусусан, ўтган ойда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳуқуқий ҳужжатни экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ЖСТга кириш йўлидаги яна бир муҳим кадам сифатида баҳоламоқда. Қонун билан “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улар Жаҳон савдо ташкилотининг “Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо йўналиши бўйича битими” (ТРИПС битими) талабларига уйғунлаштирилди.

Умуман олганда, ташкилотга таъйёр маҳсулот экспортини кўпайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш янада кенг имкониятлар эшигини очади. Дунёнинг бошқа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада яхшилаш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнини тезлаштиришга туртки беради.

Тўлқин ТЕШАБОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, профессор.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси — амалда

«ЁШЛАР ҲАШАРИ» СТАРТ ОЛДИ

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йил баҳор мавсуми давомида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда юртимизнинг барча ҳудудида “Ёшлар ҳашари” — дархат экиш акцияси ташкил этилмоқда.

Мазкур акцияда 34 мингдан ошқ ёшлар, жумладан, ёш тадбиркорлар, китобхонлар, Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндорлари, журналист ва блогерлар, спортчилар, санъаткорлар, “Келажак лидерлари” волонтерлари, талаба ҳамда ёш олимлар фаол қатнашиши кўзда тутилган.



Ана шундай тадбирлардан бири, Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманида Марҳамат маҳалласида бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг фаол ёшлари иштирок этиб, одамларнинг бахридрилини очадиган, пойтахтимизга айрича гўзаллик бағишлайдиган дархат кўчатларини экишда жонбозлик кўрсатди.

— 2024 йилги “Ёшлар ҳашари” — дархат экиш акциясида дастлаб ер майдонларида сўғориш тизимлари йўлга қўйилди, дархат экишга тайёрланди, — дей-

300 минг нафар ёш иштирокда “Яшил макон чөлленк”, “Медиа қислордо”, “Ёшлар боғи”, “Ёш эколог”, “Имконияти чекланганлар боғи”, “Бир ёшга бир ниҳол” каби тадбирлар, дархат кўчатларини тўғри танлаш, экиш, интенсив етиштириш ва сифатли парвариш қилиш ҳамда табиий ресурслардан умумий фойдаланишга қаратилган ўқув-амалий семинарлар, тренинглар ташкил қилиб келинмоқда.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ўтган йиллар якунлари бўйича банк акциядорларининг навбатдаги ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишлари баённома қарорларига кўра, банкнинг оддий ва имтиёзли акцияларига ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида олган акциядорлардан дивидендларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (жисмоний шахслар учун — паспорт ёки ID қарнининг асл нусхаси, СТИР нусхаси, банда ёки бошқа тижорат банкларида ҳисобварақ очилганлиги тўғрисида тасдиқнома нусхаси, инвестиция воситачиси (депозитарий) томонидан берилган ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма, юридик шахслар учун — жамият устави нусхаси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси (лицензия), инвестиция воситачиси (депозитарий) томонидан берилган ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма) тақдим қилган ҳолда, банкнинг бош офисига ёки ҳудудий банк хизматлари офисларига мурожаат этишингизни сўрайди.

Шу билан бирга, сиздан инвестиция воситачилари (депозитарийлар) маълумотлар базасида ўзингизга тегишли яшаш жойи тўғрисидаги (аниқ кўрсатилган почта индекси, кўча номи, уй рақами ҳамда тезкор боғланиш имконини берувчи телефон рақами) маълумотларни янгилашингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 6-боб, 51-моддасига асосан: “Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вори ёки меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади”.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга, яъни “Трастбанк” ХАБ бош офисига мурожаат қилишингизни сўраймиз:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй. Тел.: 1287, 78-140-00-88.
Банкнинг электрон почта манзили: info@trustbank.uz
Банкнинг расмий веб-сайти: www.trustbank.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 0013-0788

Таҳририятга келган қўёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Худойиқов.
Мушаххис — С. Исломов.

“Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6